

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И**

2024 йил октябрь ойининг [ ] куни Жиззах вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очиқ суд мажлиси ўз биносида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси Д.Э, ҳайъат судьялари А.Х ва Н.Эдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси А.Абвнинг котиблигида, прокурорлар М.Х ва А.Р, судланувчи Н.Э ва унинг ҳимоячиси А.Тнинг иштирокида, Н.Эга оид жиноят ишини Н.Э ва унинг ҳимоячиси А.Тлар томонидан апелляция тартибида берилган шикоятларига асосан кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

**а н и қ л а д и :**

Жиноят ишлари бўйича Фориш туман судининг 2024 йил 13 августдаги ҳукмига кўра;

Э Н Аич ( [ ]

[ ], маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Фориш туман судининг 2010 йил 18 мартдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 189-моддаси 2-қисми ва 209-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида иш ҳақининг 30 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2010 йил 15 ноябрдаги ажримига кўра, суд ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмай қолган 1 йил 7 ой 2 кун қисмидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандига [ ]

[ ] МФЙ, “Тутак” массивида яшайди, иш бўйича “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 189-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида узил-кесил 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Судланувчи Н.Эдан АТ “Халқ банки” Фориш филиали фойдасига 250.000.000 сўм моддий зарарни ундириш белгиланган.



Суд ҳукмига кўра, Н.Э, Фориш туман давлат хизматлари марказидан 2020 йил 7 январда 797960-рақами билан рўйхатдан ўтган “Х” масъулияти чекланган жамияти раҳбари лавозимида ишлаб келиб, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида АТ “Халқ банки” Фориш филиали бошқарувчиси номига “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биноси қуриш” учун кредит пул маблағларини ажратишни сўраб ариза ёзиб, гаров таъминоти сифатида М.Тховага тегишли бўлган Фориш туманида жойлашган “Мамарахим ота” савдо шаҳобчаси биноси ҳамда кредит ҳисобига қуриладиган маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биносини тақдим қилиб, АТ “Халқ банки” Фориш филиали ва ўзининг “Х” МЧЖ ўртасида 2020 йил 22 майда тузилган 131-сонли кредит шартномага асосан 36 ой муддатга 30 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти билан 520.000.000 сўм, шунингдек, жинорий ҳаракатларини давом эттириб, АТ “Халқ банки” Фориш филиали бошқарувчиси номига “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биноси қуриш” учун кредит пул маблағларини ажратишни сўраб ариза ёзиб, гаров таъминоти учун М.Тховага тегишли бўлган Фориш туманида жойлашган нотурар жой биноси ҳамда кредит ҳисобига қуриладиган маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биносини тақдим қилиб, АТ “Халқ банки” Фориш филиали ва “Х” МЧЖ ўртасида 2020 йил 9 сентябрда тузилган 321-сонли кредит шартномага асосан “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биноси”ни қуриши учун 36 ой муддатга 21 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти билан 140.000.000 сўм, бундан ташқари, жинорий ҳаракатларини давом эттириб, АТ “Халқ банки” Фориш филиали бошқарувчиси номига “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биноси қуриш” учун кредит пул маблағларини ажратишни сўраб ариза билан мурожаат қилиб, гаров таъминоти учун Ш.Мга тегишли бўлган Пахтакор туманида жойлашган савдо дўкони биноси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб қувватлаш давлат жамғармасининг 125.000.000 сўмлик кафиллик шартномасини белгиланган тартибда гаров учун тақдим қилиб, АТ “Халқ банки” Фориш филиали ва “Х” МЧЖ ўртасида 2021 йил 5 майда тузилган 31-03/69-сонли кредит шартномасига асосан “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биносини жиҳозлаш” учун 12 ой муддатга 21 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти билан 250.000.000 сўм маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биносини қуриб ишга тушириш учун кредит пул маблағларини банкдан ажратиб олишга эришган.

Шундан сўнг, Н.Э АТ “Халқ банки” Фориш филиали билан тузилган 2020 йил 22 майдаги 131-сонли, 2020 йил 9 сентябрдаги 321-сонли ва 2021 йил 5 майдаги 31-03/69-сонли кредит шартномаларига асосан ажратилган кредит пул маблағларини ўзи раҳбар бўлган “Х” МЧЖнинг АТ “Халқ банки” Фориш филиалидаги 20208000300600257009 ҳисоб рақамига 2020 йил 2 июнда 200.000.000 сўм, 2020 йил 26 июнда 100.000.000 сўм, 2020 йил 26 июнда 50.000.000 сўм, 2020 йил 15 июлда 170.000.000 сўм жами 520.000.000 сўм кредит маблағларини қурилиш



моллари харид қилиш учун ўтказиб, Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасида иштирок этиб, АО Алмалыкский ГКМ ва ИП ООО “DAL teknik Zomin cement AND Lime” МЧЖ билан шартномаларни электрон шаклда тузиб, ушбу шартномаларга асосан АО Алмалыкский ГКМ ва ИП ООО “DAL teknik Zomin cement AND Lime” МЧЖнинг ҳисоб рақамига жами 655.388.692 сўм пул маблағларини ўтказиб цемент маҳсулотлари, шунингдек, “Star bisnis SS” МЧЖ билан 2021 йил 1 майда 174-сонли шартномани тузиб, шартномага асосан “Star bisnis SS” МЧЖнинг ҳисоб рақамига 250.000.000 сўм маблағларни ўтказиб, ҳар хил техникалар, стол-стул, жалюзи парда, элита пардалари товар моддий бойликларини олиб келиб, ўзининг бизнес режасида кўрсатилган “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биноси”ни қуриб ишга туширмасдан ва бизнес параметрларини бажармасдан, кредит пул маблағлари ҳисобига харид қилинган цемент маҳсулотлари ва бошқа товар моддий бойликларини терговда аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахсларга оғзаки келишилган нархларда сотиб юбориб, кредит маблағларини мақсадсиз сарфлаб 3 та ҳолатдаги жами 910.000.000 сўмлик жуда кўп миқдордаги кредит маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, Н.Э ноқонуний ҳаракатларини давом эттириб, “Х” МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келиб, товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сонли қарори билан тасдиқланган “Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 6, 7, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 37-бандлари ва 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо Қоидалари”нинг 5, 6, 21, 23-бандлари талабларига зид равишда, ўзининг фаолияти давомида АТ “Халқ банки” Фориш филиали ва “Х” МЧЖ ўртасида тузилган 2020 йил 22 майдаги 131-сонли, 2020 йил 9 сентябрдаги 321-сонли ва 2021 йил 5 майдаги 31-03/69-сонли кредит шартномаларига асосан “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биноси қуриш” учун ажратилган 3 та ҳолатдаги жами 910.000.000 сўмлик кредит пул маблағлари ҳисобига АО Алмалыкский ГКМ ва ИП ООО “DAL teknik Zomin cement AND Lime” МЧЖ билан тузилган шартномалар ва “Star bisnis SS” МЧЖ билан 2021 йил 1 майда тузилган 174-сонли шартномага асосан олиб келинган цемент ва ҳар хил техникалар, стол-стул, жалюзи парда, элита пардалари ҳисобланган товар моддий бойликларини терговда аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахсларга оғзаки келишув асосида сотиб юбориб, товар моддий бойликларининг сарфи бўйича ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирмасдан ҳисоботлар юритмасдан пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини амалга ошириб, жуда кўп миқдордаги товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузган.



Судланувчи Н.Э апелляция шикоятда, суд ҳукмидан норозилиги, тергов органи ва суд томонидан иш бир томонлама олиб борилганлиги, кредит маблағлари вақтида ажратилмаганлиги ва пул маблағлари етмаганлиги сабабли ҳаммомни ишга тушираолмаганлиги, кредит маблағлари мақсадсиз ишлатилмаганлиги, унинг айби йўқлиги ҳақида важлар келтириб, оқлашни сўраган.

Судланувчи Н.Энинг ҳимоячиси А.Т апелляция шикоятда, суд ҳукмидан норозилиги, Н.Эга кредит маблағлари вақтида ажратилмаганлиги ва кўшимча пул маблағлари берилмаганлиги сабабли ҳаммомни ишга тушираолмаганлиги, кредит маблағлари мақсадсиз ишлатилмаганлиги, унинг айби йўқлиги боис суд ҳукмини бекор қилиб, уни оқлашни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди, иш бўйича судья Н.Энинг маърузасини, прокурор А.Рнинг шикоятларни рад қилиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, судланувчи Н.Э ва унинг ҳимоячиси А.Тнинг шикоятларини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятларида келтирилган важларни жиноят иш ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, шикоятларни рад қилиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Апелляция инстанциясида сўралган Н.Э, биринчи инстанция судида берган кўрсатувини тасдиқлаб, айбига иқрорлик билдирмасдан, “Х” масъулияти чекланган жамияти раҳбари лавозимида ишлаши, жамиятни ривожлантириш мақсадида АТ “Халқ банки” Фориш филиали бошқарувчисига “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биноси қуриш” учун кредит пул маблағларини ажратишни сўраб ариза билан мурожаат қилганлиги, кредит маблағларининг ажратилиши учун банкка гаров таъминоти сифатида “Fair Valuation” МЧЖнинг 2020 йил 24 февралдаги 101/24-сонли баҳолаш ҳисоботида асосан 816.348.000 сўмга баҳоланган М.Тховага тегишли бўлган Фориш тумани “Боғдон” МФЙ “Файзобод” кўчасида жойлашган “Мамарахим ота” савдо шаҳобчаси биноси ҳамда кредит ҳисобига қуриладиган маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биносини тақдим қилганлиги, АТ “Халқ банки” Фориш филиали ва “Х” МЧЖ ўртасида 2020 йил 22 майда тузилган 131-сонли кредит шартномага асосан “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биноси қуриш” учун 36 ой муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан 30 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти билан 520.000.000 сўм миқдорида кредит пул маблағи ажратиб берилганлиги, шундан кейин яна АТ “Халқ банки” Фориш филиалига “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биноси қуриш” учун 140.000.000 сўм миқдоридаги кредит пул маблағларини ажратишни сўраб ариза билан мурожаат қилганлиги, ушбу кредит ажратилиши учун банкка гаров таъминоти сифатида “Fair Valuation” МЧЖнинг 2020 йил 4 август кунги 677/04-сонли баҳолаш ҳисоботида асосан 220.102.000 сўмга баҳоланган М.Тховага тегишли бўлган Фориш тумани “Ўзбекистон” МФЙ “Фидокорлар” кўчасида жойлашган нотураар жой биноси ҳамда кредит



ҳисобига қуриладиган маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биносини тақдим қилганлиги, АТ “Халқ банки” Фориш филиали ва “Х” МЧЖ ўртасида 2020 йил 9 сентябрда тузилган 321-сонли кредит шартномага асосан “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биноси қуриш” учун 36 ой муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан 21 фоиз устама ҳақ тўлаш шarti билан 140.000.000 сўм миқдорида кредит пул маблағлари ажратиб берилганлиги, шунингдек, АТ “Халқ банки” Фориш филиалига “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биноси қуриш” учун 250.000.000 сўм миқдоридаги кредит пул маблағларини ажратишни сўраб ариза билан мурожаат қилганлиги, ушбу кредит маблағларини ажратилиши учун банкка гаров таъминоти сифатида “Fair Valuation” МЧЖнинг 2021 йил 8 апрель кунги 129/08-сонли баҳолаш ҳисоботида асосан 341.775.000 сўмга баҳоланган Ш.Мга тегишли бўлган Пахтакор тумани “Олмазор” МФЙ “Каттабоғ” кўчасида жойлашган савдо дўкони биноси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб қувватлаш давлат жамғармасининг 125.000.000 сўмлик кафиллик шартномасини белгиланган тартибда гаровга тақдим қилганлиги, АТ “Халқ банки” Фориш филиали ва “Х” МЧЖ ўртасида 2021 йил 5 майда тузилган 31-03/69-сонли кредит шартномага асосан “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биносини жиҳозлаш” учун 12 ой муддатга 3 ойлик имтиёзли давр билан 21 фоиз устама ҳақ тўлаш шarti билан 250.000.000 сўм миқдорида кредит пул маблағлари ажратиб берилганлиги, дастлабки ажратилган 520.000.000 сўм миқдорида кредит пул маблағларини товар хом ашё биржасига чиқариб, цемент маҳсулотини сотиб олганлиги ва цемент маҳсулотини Фориш туманига олиб келиб, аҳолига ўзининг нархида сотиб юборганлиги, цементни сотувидан тушган пул маблағларини ҳаммом қурилишида ишлатганлиги, кейинги ажратилган 140.000.000 сўм кредит маблағини ҳам биржага чиқариб, цемент маҳсулотини сотиб олиб, уни сотиб юбориб ҳаммом қурилишида ишлатганлиги, учинчи ажратилган 250.000.000 сўм кредит маблағини “Star bisnis SS” МЧЖга ўтказиб бериб, ушбу жамиятдан тринажор ускуналар, кондиционер ва бошқа маҳсулотларни олиб, уларни ҳам сотиб юборганлиги, ажратилган жами 910.000.000 сўм кредит пул маблағлари ҳисобига ҳаммом қурилиш ишларини бошлаб, бетон қилиб, устунни плита билан ёпганлиги, бундан ташқари 2та ҳовузни битказганлиги, пул маблағи йўқлиги ва унга бошқа кредит пул маблағлари ажратилмаганлиги сабабли ҳаммомни ишга тушураолмаганлиги, шу кунга келиб, банкрот бўлиб иш фаолияти орқага кетиб қолишига банк ходимлари сабабчи деб билиши, чунки банк ходимлари унга кредит маблағларини вақтида бермаганлиги ва қўшимча тарзда яна кредит маблағлари ажратиб бермаганлиги, банк ходимлари унга сметага тенг миқдорда кредит бериши керак бўлганлиги, смета ҳужжатлари 1 млрд. 375 млн. сўм бўлганлиги, кредит пулларини чиқаришда ҳам банк ходимлари кўп овора қилганлиги, бир неча маротаба



Республика банк идораларига бориб, бу юзасидан эътирозларини билдирганлиги, бу ҳолатда ўнинг айби йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Апелляция инстанциясида сўралган фуқаровий даъвогар Б.Джамалов, АТ “Халқ банки” Жиззах вилоят минтақавий филиалининг юристконсулти лавозимида ишлаб келишини, “Х” МЧЖ раҳбари Н.Э АТ “Халқ банки” Фориш филиали бошқарувчиси номига “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биноси қуриш” учун кредит пул маблағларини ажратишни сўраб ариза ёзиб, гаров таъминоти сифатида М.Тховага тегишли бўлган савдо шаҳобчаси биноси ҳамда кредит ҳисобига қуриладиган маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биносини тақдим қилиб, АТ “Халқ банки” Фориш филиали ва “Х” МЧЖ ўртасида 2020 йил 22 майда тузилган 131-сонли кредит шартномага асосан 36 ой муддатга 30 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти билан 520.000.000 сўм, шунингдек, АТ “Халқ банки” Фориш филиали бошқарувчиси номига “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биноси қуриш” учун кредит пул маблағларини ажратишни сўраб ариза ёзиб, гаров таъминоти учун М.Тховага тегишли бўлган нотурар жой биноси ҳамда кредит ҳисобига қуриладиган маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биносини тақдим қилиб, АТ “Халқ банки” Фориш филиали ва “Х” МЧЖ ўртасида 2020 йил 9 сентябрда 321-сонли кредит шартномага асосан “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биноси қуриш” учун 36 ой муддатга 21 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти билан 140.000.000 сўм, бундан ташқари, АТ “Халқ банки” Фориш филиали бошқарувчиси номига “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биноси қуриш” учун кредит пул маблағларини ажратишни сўраб ариза билан мурожаат қилиб, гаров таъминоти учун Ш.Мга тегишли бўлган савдо дўкони биноси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб қувватлаш давлат жамғармасининг 125.000.000 сўмлик кафиллик шартномасини тақдим қилиб, АТ “Халқ банки” Фориш филиали ва “Х” МЧЖ ўртасида 2021 йил 5 майда тузилган 31-03/69-сонли кредит шартномасига асосан “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биносини жиҳозлаш” учун 12 ой муддатга 21 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти билан 250.000.000 сўм кредит пул маблағлари олганлиги, кредит маблағлари мақсадли ишлатилиши юзасидан ўтказилган мониторинг текширувида иштирок этмаганлиги, дастлабки тергов органи хулосасига кўра Н.Э ушбу ажратилган кредит маблағларини мақсадсиз ишлатиб талон-торож қилганлиги аниқланганлиги, ҳозирда кунда дастлабки ажратилган иккита кредит, яъни 520.000.000 сўмлик ва 140.000.000 сўмлик кредит пуллари асосий қарздорлиги гаровга қўйилган мулкларни банк балансига олиш йўли билан тўлиқ қопланганлигини, бироқ 250.000.000 сўмлик ажратилган кредит маблағлари бўйича асосий қарзи 250.000.000 сўмни ташкил этишини, ушбу кредит пуллари Н.Эдан ундириб бериш ҳақида кўрсатув берди.



Апелляция инстанциясида сўралган гувоҳ С.Д, АТ “Халқ банки” Фориш филиалида 2021 йилга қадар активлар мониторинги ва муаммоли активлар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси лавозимида ишлаганлигини, “Х” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Н.Э АТ “Халқ банки” Фориш филиали бошқарувчиси номига “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биноси қуриш” учун 520.000.000 сўм миқдоридаги кредит пул маблағларини ажратишни сўраб ариза билан мурожаат қилганлиги, гаров таъминоти сифатида М.Тховага тегишли бўлган Фориш тумани “Боғдон” МФЙ “Файзобод” кўчасида жойлашган “Мамарахим ота” савдо шаҳобчаси биноси ҳамда кредит ҳисобига қуриладиган маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биносини тақдим қилганлиги, мурожаати банкнинг масъул ходимлари томонидан ўрганиб чиқилиб, АТ “Халқ банки” Фориш филиали ва “Х” МЧЖ раҳбари Н.Э ўртасида 2020 йил 22 майда тузилган 131-сонли кредит шартномага асосан “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биноси қуриш” учун 36 ой муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан 30 фоиз устама ҳақ тўлаш шarti билан 520.000.000 сўм миқдорида кредит пул маблағлари ажратиб берилганлиги, бундан ташқари, Н.Э АТ “Халқ банки” Фориш филиалига “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биноси қуриш” учун 140.000.000 сўм миқдоридаги кредит пул маблағларини ажратишни сўраб ариза билан мурожаат қилганлиги, банкка гаров таъминоти сифатида М.Тховага тегишли бўлган Фориш тумани “Ўзбекистон” МФЙ “Фидокорлар” кўчасида жойлашган нотурар жой биноси ҳамда кредит ҳисобига қуриладиган маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биносини тақдим қилганлиги, АТ “Халқ банки” Фориш филиали ва “Х” МЧЖ раҳбари Н.Э ўртасида 2020 йил 9 сентябрда тузилган 321-сонли кредит шартномага асосан “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биноси қуриш” учун 36 ой муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан 21 фоиз устама ҳақ тўлаш шarti билан 140.000.000 сўм миқдорида кредит пул маблағлари ажратиб берилганлиги, шунингдек, АТ “Халқ банки” Фориш филиали ва “Х” МЧЖ раҳбари Н.Э ўртасида 2021 йил 5 майда тузилган 31-03/69-сонли кредит шартномага асосан “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биносини жиҳозлаш” учун 12 ой муддатга 3 ойлик имтиёзли давр билан 21 фоиз устама ҳақ тўлаш шarti билан 250.000.000 сўм миқдорида кредит пул маблағлари ажратиб берилганлиги, ушбу кредит маблағлари Н.Энинг шунча миқдорда кредит ажратишни сўраб ёзган аризасига асосан чиқарилганлиги, кредит маблағлари бўлиб-бўлиб ажратилишига сабаб бажарилган иш ҳолатига қараб чиқарилганлиги, агар кредитнинг барча суммаси бирдан чиқариб юборилса, бу тадбиркорга асоссиз чиқарилган қисми бўйича ортиқча фоиз тўловларини тўлашига олиб келиши мумкинлиги, яъни ҳали қурилмаган бино учун олдиндан жиҳозлашга кредит чиқарилса, бу тадбиркор жиҳозлаш ишларини амалга ошириш имкони бўлмаган ҳолатида кредит пуллари ва фоиз тўловларини ортиқча тўлашига олиб келиши



мумкинлигини, шу боис ушбу кредит пуллари бўлиб-бўлиб чиқарилганлиги, дастлабки олинган кредитни яна кредит олиб қоплаш мумкин эмаслигини, ушбу кредит мақсадли чиқарилганлиги, дастлабки чиқарилган кредитлар вақтида тўланса кейинги чиқарилаётган кредит бўйича ижобий хулоса берилиши, қурилиш ишларини ҳаммаси ҳам кредит эвазига қилиниши назарда тутилмаганлиги, балки тадбиркорнинг ўзини маблағи ҳисобидан ҳам бир қисми бажарилиши лозимлиги, Н.Э ажратилган кредит маблағлари ҳисобига нималар олганидан хабари йўқлигини, лекин қурилишда 520.000.000 сўмлик цемент маҳсулотлари ишлатилмаганлигини, банк шартнома шартига кўра кредит пулларини вақтида чиқариб берганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Апелляция инстанциясида сўралган гувоҳ М.Нх, АТ “Халқ банки” Фориш филиали раҳбари лавозимида 2022 йил 19 август кунидан буён ишлаб келишини, “Х” МЧЖга АТ “Халқ банки” Фориш филиали томонидан 2020 йил 22 майда тузилган 131-сонли кредит шартномага асосан “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биноси қуриш” учун 36 ой муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан 30 фоиз устама ҳақ тўлаш шarti билан 520.000.000 сўм миқдорида, 2020 йил 9 сентябрдаги 321-сонли кредит шартномага асосан “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биноси қуриш” учун 36 ой муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан 21 фоиз устама ҳақ тўлаш шarti билан 140.000.000 сўм миқдорида ва 2021 йил 5 майдаги 31-03/69-сонли кредит шартномага асосан “маиший хизмат кўрсатиш (ҳаммом) биносини жиҳозлаш” учун 12 ой муддатга 3 ойлик имтиёзли давр билан 21 фоиз устама ҳақ тўлаш шarti билан 250.000.000 сўм миқдорида кредит пул маблағлари ажратиб берилганлиги, ушбу кредитлар ажратилган вақтида у бу банкда раҳбар лавозимида ишламаганлиги, ушбу ажратилган кредитлар мақсадли ишлатилган ёки ишлатилмаганлиги ҳолатидан хабари йўқлиги, бу ҳолат дастлабки тергов даврида мутахассислар томонидан ўрганилиб, далолатномалар тузилганлиги, ҳозирги кунда ажратилган 520.000.000 сўмлик ва 140.000.000 сўмлик кредит маблағларининг асосий қарздорлиги гаровга қўйилган биноларни банк балансига олиш орқали қопланганлиги, лекин бу кредитларнинг фоиз қарздорлиги борлиги, шунингдек 250.000.000 сўмлик кредитнинг асосий ва фоиз қарздорлиги умуман тўланмаганлигини, бу кредит бўйича гаров мулкани банк балансига олиш масаласида Республика бошқармасига хат билан мурожаат қилинганлигини, лекин улар томонидан бунга ёзма равишда рухсатнома шу кунга қадар берилмаганлигини, 250.000.000 сўм кредит қарздорлиги қопланмаганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Судлов ҳайъати, апелляция шикоятларидаги тергов органи ва суд томонидан иш бир томонлама олиб борилганлиги ҳақидаги важлар билан келишиб бўлмайти деб ҳисоблайди.

Биринчи инстанция суди ишни мазмунан кўришда тўпланган далилларга ишончлилик ва қонунийлик принциплари асосида ҳуқуқий



баҳо бериб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабларига асосан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб, ишга алоқадор барча шахсларни сўроқ қилиб, уларнинг кўрсатувларига тегишли баҳо берган ҳолда натижаси бўйича, қонуний ва асосли тўхтамга келган.

Шунингдек, судлов ҳайъати Н.Энинг апелляция шикоятдаги кредит маблағлари вақтида ажратилмаганлиги, кредит маблағлари мақсадсиз ишлатилмаганлиги, унинг айби йўқлиги ҳақидаги важлари билан ҳам келишиб бўлмайди деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, мансаб вазифалари ёхуд шартномавий муносабатларга кўра, ўзганинг мулкни тасарруф қилиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича қонуний ваколатларни амалга оширувчи шахснинг мазкур мулкни қонунга хилоф равишда текинга ўзининг мулкига ёки бошқа шахснинг мулкига айлантириши айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш деб (ЖКнинг 167-моддаси) тавсифланиши лозимлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарорининг 6-бандида, қилмишни квалификация қилиш учун талон-торож содир этишнинг хусусиятларини (давомли ёки такроранлигини) тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эгаллиги, давомли талон-торож деб умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил этувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлар билан ўзганинг мулкни қонунга хилоф равишда текин олиб қўйиш (эгаллаб олиш) тушунилиши, жиноятнинг такроран содир этилган-этилмаганлиги масаласини ҳал қилишда Жиноят кодексининг 32-моддаси мазмунидан келиб чиқиш лозимлиги, такроран содир этилган талон-торожни квалификация қилишда барча эпизодлар бўйича аниқланган умумий талон-торож суммаси эмас, балки зарар миқдори энг кўп бўлган эпизод бўйича талон-торож асос қилиб олиниши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш ҳужжатларидаги АТ “Халқ банки” Жиззах вилоят минтақавий маркази муаммоли кредитларни қайтариш бошқармаси томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари тўғрисидаги далолатномада, АТ “Халқ банки” Фориш филиали томонидан “Х” МЧЖга ажратилган 520.000.000 сўм, 140.000.000 сўм ва 250.000.000 сўмлик кредит маблағлари мақсадсиз сарфланганлиги аниқланганлиги қайд этилган.

Шунингдек, АТ “Халқ банки” Фориш филиали томонидан “Х” МЧЖга ажратилган 250.000.000 сўмлик кредит маблағлари эвазига олинган маҳсулотлар мавжуд эмаслиги, мижоз томонидан товарларни



олганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги аниқланиб, бу ҳақида мониторинг далолатномаси тузилган.

Бундан ташқари, Н.Энинг суд ҳукмида кўрсатилган мазкур жиноятларни содир этганлиги, иш бўйича сўралган фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг дастлабки тергов ҳамда суддаги кўрсатувлари, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Қайд этилган асосларга кўра, суд ҳукмида содир этилган жиноятлар тафсилоти тўғри аниқланиб, Н.Энинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар-судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисоблаб, унинг айби тасдиқланганлиги тўғрисида асосли ҳулосага келган.

Шунга кўра, биринчи инстанция суди томонидан Н.Энинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 189-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Шунингдек, судлов ҳайъати, Н.Эни ҳимоячисининг судлов ҳайъати мажлисидаги Н.Эга нисбатан иш бўйича етказилган моддий зарарнинг бир қисми қоплаб берилганлигини ҳисобга олиб, ҳукми шартлига алмаштириб, етказилган зарарнинг қолган қисмини қоплаш учун муддат бериш ҳақидаги важлари билан ҳам келишиб бўлмайди деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бундан ташқари, ЖКнинг 167-моддасида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоси қўлланилмаслиги назарда тутилган.

Судлов ҳайъатига тақдим этилган Халқ банки Жиззах вилоят минтақавий маркази бошқармаси бошлиғининг 2024 йил 16 октябрдаги 1-1312-2401/38-сонли маълумот хатида, кредит шартномасига асосан “Х” МЧЖга ажратилган 250.000.000 сўмлик кредит маблағлари бўйича асосий қарзи 250.000.000 сўмни ташкил этишини, ушбу кредит маблағлари ҳозирги кунга қадар қоплаб берилмаганлиги қайд этилган.



Апелляция инстанциясида сўралган фуқаровий даъвогар Б.Джамалов, Н.Эдан ажратилган 250.000.000 сўм кредит маблағларини ундириб беришни сўради.

Биринчи инстанция суди қайд этилган Қонун талаби ва Пленум Қарори тушунтиришларига риоя қилиб, Н.Эга нисбатан жазо тайинлашда, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, яъни унинг, шахсини, оилавий шароитини, етказилган зарарнинг бир қисмини қоплаб берганлигини, жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини инобатга олиб, унга нисбатан содир этган жинояти учун ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлаб, унинг қилмишига мувофиқ қонуний ва адолатли жазо тайинлаб, асосли хулосага келган.

Судлов ҳайъати, Н.Эга нисбатан тайинланган жазони янада енгиллаштириш ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо тайинлаш учун иш ҳужжатларида асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати, шикоятларда келтирилган важларни атрофлича муҳокама қилиб, суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Шу сабабли, судлов ҳайъати суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция тартибида берилган шикоятларни эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 482, 483, 497<sup>17</sup>, 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси суди ажрим қилади,

#### **а ж р и м :**

Э Н Аичга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Фориш туман судининг 2024 йил 13 августдаги ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикоятлари қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

**Раислик қилувчи  
ҳайъат судьялари**

**имзо  
имзо  
имзо**

**Д.Э  
А.Х  
Н.Э**

**Аслига тўғри:**

**Н.Э**

